

СЦЕНАРИЙ

(Ҳикоя)

Кўпинча тасвирланадигандек кал ҳам, сочи оқ ҳам эмас, кўзойнак тақмаган ёзувчи режиссёр сценарий қилмоқчи бўлган ҳикоясини ўқиб бера бошлади.

— «Уч оғайни барча тайёргарликни кўриб бўлдилар ва йўлга тушдилар. Ҳаммаларининг елкасида оғир сафар халтаси, оёқларида ишчилар ботинкаси, эгниларида жинси шим, куртка...»

Шу ерга келганда режиссёр қўлини кўтариб тўхтатди ва деди:

- Яхши. Фақат улар оч-наҳор йўлга чиқмасин-да. Битта қўй сўйиб ош қилишсин. Қиттак-қиттак ҳам бўлсин, кетар жафосига... Дарвоқе, уч оғайнидан бирининг ролини мен ўйнайман... Ҳа, битта ошми, димламами пиширилмаса бўлмайди, кўпчиликмиз — операторлар, чироқчилар, ҳайдовчилар, ассистентлар дегандай...

- Бўпти, қўшаман, — ёзувчи белгилаб қўйди ва давом этди:

«Улар тушганча юришгач, тоғ бошланди. Айни баҳор пайти. Ҳаммаёқ «талашиб» ўсган сарғиш-яшил майсалар билан қопланган, улар орасида юзлаб-минглаб лолақизғалдоқлар бамисоли чўғдай ловуллаб кўзларни қамаштиради. Тўрғайлар хуштак чалиб учиб кўнади. Осмонда бир жуфт лочин оҳиста айланади. Ҳаким чуқур нафас олиб теваракка тикиларкан, деди:

— Мана шу ерда чодир тикиб маза қилиб ётсак бўлмайдимиз? Қаранглар, қандай жаннатий жойлар!

— Биз дам олишга чиққанимиз йўқ-ку, — эътироз билдирди Нодир. — Ҳазина нима бўладиФ-27?

Гапга Олим қўшилди:

— Озиқ-овқат ҳам ҳисобли.

Улар йўлда давом этдилар. Қирлар, довлонлар, чўққилар бирин-кетин ортда қолаверди. Юра-юра катта дара устидан чиқиб қолдилар. Дара турли дарахт ва буталар билан қопланганди, пастда шариллаб сув оқиб ётарди. Дўстлар маҳлиё бўлиб турарканлар, жаранглаган кулги овозидан тоғ акс-садо берди. Бир тўп қизлар кулишиб, ҳазиллашиб лола терардилар...»

Шу ерга келганда режиссёр жонланди, кўзлари ёниб қўлларини бир-бирига ишқади.

— Ҳозир, ҳозир! — дея хитоб қилди у. — Сиз мана бундай тасвирланг. Қизлар ечиниб чўмилишяпти.

— Баҳор пайти-ку, — деди ёзувчи. — Ҳаво салқин.

— Воқеани ёзга кўчирасиз.

— Қизлар лола теришяпти-ку...

— Э, улар ёнғоқ теришади.

— Тоғ сувида ёзда ҳам чўмилиб бўлмайди, қор эриб тушади-да.

— Шу ҳам проблемами, бирорта кўлмакча топамиз.

Ёзувчи ноилож буни ҳам белгилаб қўйди ва яна ўқий бошлади:

— «Йигитлар аста-секин қизларнинг ёнига тушиб бордилар. Қизлар кўрқиб яшириндилар.

— Қизлар, кўркманглар, — деди шунда Олим, — сизлардан йўл сўрамоқчимиз, холос.

Буталар орасидан қизлар чиқиб келдилар...»

Ёзувчи қоғоздан бошини кўтарди ва деди:

— Буёғида тоғ қизларининг гўзаллиги тасвирланади. Ўқийми?

- Йўқ, тушунарли, — деди режиссёр кўзларини қисиб. — Ана ўшандай асал қизлардан топамиз... Хўш, кейин йигитлардан бири қизлардан биттасини севиб қолсин. Э, келинг, уччаласи уччаласини севиб қолаверсин, биздан нима кетди.

— Майли, — дед и ёзувчи коғоз варақларкан.

— Ана энди олтовлон ширин кўшиқларни куйлаб, тоғни жаранглатиб, а! Ҳа, зўр, зўр! Ие, бу, қахрамонларнинг қоринлари очқамайдими?

— Халталаридаги овқатлари тугаган.

Режиссёр завқ билан чапак чалди.

— Жуда яхши! Битта кийик отишсин... Оҳ, кийик гўштини арча ўтинида пиширганга нима етсин. Ҳа, айтгандай, қизлардан бири ғир этиб бориб беш-олтита арақми, коньякми топиб келсин. Мана шуларни кўшинг.

— Хўп, — деди ёзувчи бош силкиб. Кейин ўқишни бошлади: — «Йигитлар йўлни сўраб бўлишгач, кетишга отландилар...»

— Қаёққа кетади?

— Йигитлардан бирининг бобоси ўттизинчи йилларда тоғдаги ғорга хазина яширганларини айтган бўлади. Шу ғор томонга.

— Йўқ, ҳозирча кетмай турсин, қизлар яшайдиган қишлоққа боришсин. У ерда тўйнинг устидан чиқиб қолишади. Йигитларни тўйга таклиф қилишади.

— Хўп, кейин қачон кетишади?

— Э, уч-тўрт кун дам олмайдиларми? Масалан, ўша қишлоқликлардан бири йигитлардан бирининг курсдоши экан, дейлик. У уйига меҳмонга олиб кетади, қўй сўйиб зиёфат қилади.

— Шу билан тамомми?

— Тағин нима керак? Хазина қидириб бориб хазина топишди, яъни қизларни! Ҳақиқий хазина олтин, кумуш эмас, балки севгилисини топиш деган рамзий тасвирни беряпмиз. Бундан ташқари, романтика, гўзал қизлар, тоғлар манзараси.

— Ҳажми кам-ку? Менимча, етмайди.

- Қайғурманг, дўстим, қайғурманг. Бунинг йўли осон — кўшиқлар, тўй, зиёфатларни ҳар қанча чўзса бўлаверади. Қайтиш пайти эса қоп-қоронғида кечади. Экран қорайиб тураверади, тураверади. Хуллас, ишга!

**Ёзувчи Ориф Фармоннинг
“Ёввойи одам” китобидан**